2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

7 (609)

2008 йил 13 февраль

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 — Тортинчоқ келин эди, етакчи маслаҳатчи бўлди
2 — Элчига ўлим йўқ, лекин уни ўғирлашлари мумкин!
3 — «Қаро кўзим»ни тинглаб кўнгил дарди ариди...
3 — Реферат керакми? Муаммосиз!..
4 — «Жун рўмолга ўранган, умид-ла чўғланган қиз...»
4 — Улуғбек кўзига кўринмаган юлдузлар қанча эди?

саҳифада

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



*Тарих шоҳидлик берадики, Бобур ўз замонасининг илму маърифат аҳлига мудом эътибор ва рағбат кўрсатган. Яна дунё аҳлига яхши маълумки, Бобур қаерда бўлмасин бунёдкорликка кенг йўл очган, ҳатто қурилажак иншоотлар тарҳини ҳам шахсан чизган. Не бахтки, бугунги кунда юртимизда, қолаверса, дунёнинг яна бир нечта манзилларида унинг номи билан аталувчи иншоотлар мавжуд.*

**СУРАТДА:** *мамлакатимиз пойтахтининг марказий кўчаларидан бири Бобур номи билан аталиб, жуда обод, равон ва кўркамдир.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

# БОБУРГА ЭҲТИРОМ

** Боғишамолда боғ барпо бўлди — Бобур орзуси ушалди*
** «Хатти Бобурий»да битилган Қуръони карим нусхаси Машҳаддан Тошкентга келтирилди*
** Бобур ижоди ва ҳаёти бутун дунё шарқшунос олимлари учун тадқиқот манбаидир*

***Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини мукаммал тадқиқ этиш, асарларини халқимизга асл ҳолича етказиш, меросини тўлалигича тиклаш ва келажак авлодларга етишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

1994 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Фан" нашриётида шоирнинг янги шеърий девони нашр этилди. Ушбу китоб илгариги нашрларда йўл қўйилган нуқсонлар бартараф этилган ҳолда ўқувчиларга тақдим қилинди.

«Бобурнома» муҳим қомусий манба сифатида нафақат мамлакатимиз, балки, жаҳон адабиётининг ҳам нодир намунаси саналади. Олимларнинг мазкур китобни ўрганишга оид изчил илмий изланишлари туфайли кейинги йилларда «Бобурнома»нинг янги нашри чоп этилди. Унда илгариги талқин этилмаган сўз ва ибораларнинг аниқ шарҳи берилган.

Бобур Андижонда ҳукмронлик қилган йилларида Боғишамол адирларида туриб она юртини томоша қилишни хуш кўрар, бу ерда ёзги боғ барпо этишни ният қилар экан. Орадан қарийб беш аср ўтиб шоирнинг бу орзуси рўёбга чиқди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида бу ерда миллий боғ барпо этилиб, унга Бобур номи берилди. Уч юз гектар майдонни эгаллаган ушбу боғда миллий услубда безатилган дарвоза, ёдгорлик мажмуаси ва музей мавжуд. Шоирнинг рамзий мақбараси қурилиб, унга Бобур мангу қўним топган гўшадан тупроқ олиб келиб қўйилган.

Давоми 2-саҳифада

Самарқанд вилояти

## Замонавий қулайлик

***Ёшлар йили Самарқанд туманидаги Ўрташайх қишлоғи ёшлари учун қувончли келди. Эндиликда туман ФҲДЁ бўлими қишлоқдаги ёшлар маркази мажмуаси ёнидаги кўркам ва замонавий бинода янги оилалар никоҳини қайд қилмоқда.***

## «БАХТ УЙИ» янги бинода

Туман аҳолиси бўлимнинг Х.Ҳалимова, Ю.Хўжаева, Ш.Каримова, Ш.Садриддинова каби ходимларининг малакали хизматларидан мамнун.

— Ўтган йил мобайнида бўлимимиз томонидан 1050 та оила никоҳдан ўтказилиб, оилавий ажримлар сони вилоят миқёсидаги энг кам кўрсаткични ташкил этди, — дейди туман ФҲДЁ бўлими мудираси Х.Насимова. — Бундай натижага аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, хусусан, Оила кодексининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб этиш орқали эришдик.

**Р.ҲАЙИТОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Йил сарҳисоби

# Фаолият самараси ҳар юмушда намоён

***Мустақил юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугун мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда. Энг аввало, маҳаллаларда миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибат туйғулари тобора мустаҳкамланиб, саховатпеша инсонлар, ҳомийлар сафи кенгаймоқда.***

Бу борадаги ишларнинг кўламини кенгайтиришда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмаларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Айниқса, ўтган Ижтимоий ҳимоя йили давомида бевосита жамғарманинг ташкилотчилиги, ташаббуси ва кўмаги билан амалга оширилган хайрли ишлар салмоқли бўлди.

Бу борадаги натижаларни таҳлил этиб, 2007 йилдаги фаолият якунларини сарҳисоб қилиш, шунингдек, жорий — Ёшлар йилида бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг кенгайтирилган тартибдаги раёсат йиғилиши ўтказилди. Унда жамғарманинг республика бошқаруви ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари иштирок этди. Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар самараси ўлароқ ҳар йили, таъбир жоиз бўлса, ҳар куни ҳаётий муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Давоми 3-саҳифада

Бухоро вилояти

***«Маҳалла» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлинмаси ўз ҳисобидан 5 миллион сўм ажратиб, ҳудудда намунали фаолият юритаётган 6 та маҳаллага замонавий компьютерлар совға қилди.***

# ИЛҒОР ЙИҒИНЛАРГА — КОМПЬЮТЕР

— Компьютер билан тақдирланган маҳаллалар ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида фаолиятда ҳар томонлама юқори кўрсаткичларга эришган ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланишади, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Бухоро шаҳри бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи Сулаймон Юсупов. — Йил дастури ижросини таъминлаш, ўз ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги ишчи ўринларини яратиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, фуқароларнинг коммунал тўловлар бўйича мавжуд қарздорликларини камайтириш каби масалаларни ҳал қилишда ташаббус кўрсатган фуқаролар йиғинлари бўлинмамиз томонидан ана шу тарзда рағбатлантирилди.

— Бундай совға маҳалламиз фаолиятида ниҳоятда асқотади, ишимизни янада осонлаштиради, — дейди Жуйбор маҳалласи раиси Гулсум Мўминова. — Қолаверса, йиғин мутасаддилари меҳнатининг бу тарзда рағбатлантирилиши, фаолиятимизни янада жонлантириб, янгидан янги муваффақиятларга эришишимизга туртки бўлади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Ўқув-семинар

Жиззах вилояти

# ҲАМ МАЪРУЗА, ҲАМ МУЛОҚОТ

## Ўқув-семинар иштирокчилари ҳар икки имкониятдан баҳраманд бўлдилар

***Жиззах шаҳрида қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимлари ва раҳбарлик малакаларини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинар тадбири ўтказилди.***

Унда вилоятдаги ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар ходимлари, туман ҳокимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда бўлинмалари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбирни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муса Анорбоев кириш сўзи билан очди. Ўқув семинарда Республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ўзини ўзи бошқариш тизими ходимлари олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўзладилар.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Эшбековнинг "Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифалари", вилоят прокуратураси назорат бўлими бошлиғи Б.Умарованинг "Умумий жиноятчиликка қарши курашда маҳалланинг роли", вилоят бош имом-хатиби М.Жабборовнинг "Маънавият ва маърифатнинг жамият тараққиётидаги ўрни, миссионерлик, диний ақидапарастликка қарши тарғибот ишларини ташкил этиш" каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Шунингдек, милиция таянч пункти профилактика инспекторлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, кам таъминланган оилаларга ажратиладиган имтиёзли кредитлар, маҳаллаларда аҳоли бандлиги, оилада тиббий маданиятни юксалтириш ҳамда "маҳалла—мактаб—оила" концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши масалаларига бағишланган маърузалар ҳам қатнашчиларга манзур бўлди.

Тадбирнинг иккинчи куни ўқув-семинар қатнашчилари билан вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳамда туман ҳокимлари, ташкилот раҳбарлари ўртасида очиқ мулоқот ўтказилди. Тадбир Жиззах шаҳридаги Зилол ва Олмазор маҳаллалари фаолияти билан яқиндан танишиш ва мазкур маҳаллаларда олиб борилаётган ишларни муҳокама этиш билан якунланди.

**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Mahalla



— Яна нима дейсиз?
—Ўрташайхлик ёшлар қишлоқнинг ўзида никоҳдан ўтишар эмиш...

"Ташаббус—2008":

# СОВРИНЛАР ҒОЛИБЛАРНИ КУТМОҚДА

***Мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташаббус" соврини учун тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлар ўртасида кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Яқинда навбатдаги "Ташаббус—2008" кўрик-танлови бошланади. Тадбир ташкилотчилари иқтисодиёт соҳасида камида уч йилдан буён фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида анъанавий танловни ўтказишга тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқда.***

Танлов ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов ЎзА мухбири билан суҳбатда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ушбу танлов тадбиркорликни рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, илғор тажрибани оммалаштириш, соҳа вакилларининг билим ва касб маҳоратини оширишга қаратилганини таъкидлади. Кўрик-танлов ташкил этилган дастлабки йилдан бошлаб, миллий тадбиркорликнинг илғор тажриба ва ютуқларини эътироф этиш борасида самарали механизмга айланди. Оммавий ахборот воситаларининг танловни кенг ёритиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириб, янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Танлов иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб, ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ошмоқда, танловга кўпроқ ёшлар жалб қилинаётгани тадбиркорликнинг обрўси ортаётганидан далолатдир.

Юртбошимиз томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини кўпайтиришга доир устувор йўналишлар белгилаб берилди. Мазкур кўрик-танлов ҳам ушбу мақсадга эришишда катта ёрдам бермоқда.

"Ташаббус—2008" жорий йилнинг февраль-март ойларида "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари, шунингдек, танловнинг янги қоидаларида белгиланган "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши ёш тадбиркор", "Ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида энг фаол тадбиркор", "Энг яхши молия муассасаси", "Якка тартибда фаолият кўрсатаётган энг яхши тадбиркор" ва "Миллий бренд" каби махсус номинациялар бўйича ўтказилади.

Бу йилги кўрик-танловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатларидан яна бири шундаки, иштирокчиларнинг фаолиятини баҳолаш бўйича янги қўшимча ва мезонлар кўзда тутилган. Уларнинг ҳар бир йўналиш ва номинация бўйича ютуқлари мазкур талаблар асосида холисона аниқланади.

Дастлабки икки босқич ғолиблари учун туман (шаҳар) ва вилоят ташкилий қўмиталари мукофотлари ҳамда ҳомийларнинг махсус совринлари белгиланган. Республика босқичида ғолиб ва совриндорларга дипломлар, "Матиз" автомобиллари, шунингдек, амалий санъат буюмлари, муайян миқдордаги маблағ қайд этилган пластик карточкалар, компьютерлар, техника воситалари ва бошқа мукофотлар топширилади.

Таъкидлаш жоизки, совриндорлар қўлга киритган ғолиблик унвонидан келгусида ўз ҳужжатлари ва реклама материалларида фойдаланиши мумкин. Улар ўз йўналиши бўйича халқаро танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиш, чет элда малака ошириш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

"Миллий бренд" янги махсус номинациясининг жорий этилиши эса бу галги "Ташаббус—2008" танловининг яна бир ўзига хос жиҳатларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати халқаро стандартларга мослиги бўйича эътироф этилаётган компаниялар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш ҳамда унинг сифатини юксалтириш борасида улкан ишларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди. Бу эса Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Танлов ташкилотчилари ушбу тадбирлар нафақат Ўзбекистоннинг ички бозори, балки хориждаги ташқи бозорда ҳам обрў қозонишга қодир янги компаниялар ва маҳсулотлар пайдо бўлишига хизмат қилишига қатъий ишонади.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Mahalla

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Нашр кўрсаткичи:148

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Бор бўлсин ҳомийлар! — Тошкент вилояти

# «Саховатпешаларнинг ОТАСИГА МИНГ РАҲМАТ!»

***...Сўнгги йилларда маҳалламиз аҳолиси ер сатҳига яқин жойлашган сизот сувларидан азият чекиб келарди. Айниқса, ўтган йили бу муаммо анча кескинлашди: айрим маҳалладошларимизнинг турар-жойлари нураб, чўка бошлади. Бу муаммога қарши бирор чора қўлланилиши шарт, лекин унинг ечими катта маблағга бориб тақаларди.***

Шундай вазиятда фермер Акбар Машахопов хайрли ишга қўл урди — сизот сувлари хавф солаётган ҳудудлар бўйлаб 1 километр 200 метр масофада катта зовур қазиш ишларига ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқди. Бу хайрли ташаббусни яна бир ёш фермер Бахтиёр Қосимов ҳам қўллаб-қувватлади. Акбаржон ўз ҳисобидан 1 мллион сўм, Бахтиёржон эса 700 минг сўм маблағ ажратиб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан ҳамкорликда зовур қазиш ишларини бошлаб юборишди. Маҳалладошлар ҳам енг шимариб, ҳашар уюштиришди. Натижада тез кунда муаммо барҳам топиб, маҳалладошларнинг кўнгли хотиржам бўлди. Табаррук кайвонилар саховатпеша фермерларни дуо қилишди, «Отангга раҳмат», дея олқишлашди.

Акбаржон бошчилик қилиб келаётган «Абдумажид бобо» фермер хўжалиги деҳқонлари 71 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштириб, ҳар йили шартнома режаларини ортиғи билан бажариб келишмоқда. Фермер хўжалиги даромадидан унинг аъзоларидан ташқари маҳалламиздаги кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож оилалар ҳам манфаат кўрмоқда. Тадбиркор фермер ушбу йилда маҳалламиздаги мактаб ва қишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш учун маблағ ажратишни ният қилган.

**Абдуқодир ЭГАМҚУЛОВ,**
**Юқори Чирчиқ туманидаги Қизилсой маҳалласи фуқароси.**

Фаолиятда фаол йигинлар — Сурхондарё вилояти

***Бу йил қиш қаттиқ келди. Қор устига қор ёғди. Шундай кунларнинг бирида Бойсун туманидаги Шўрсой маҳалласида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган Малоҳат Нарзиева оиласи яшаб турган уйнинг томи қулаб тушди. Томнинг тўсинлари ҳам, шиферлари ҳам бутунлай яроқсиз ҳолга келди. Оқибатда бечора аёл қишнинг қаҳратонида бошпанасиз қолди.***

# УЙНИНГ ТОМИ ҚУЛАБ ТУШДИ...

## аммо саховатпеша маҳалладошлар кўмаги билан у бир кундаёқ қайта тикланди

Воқеани эшитган маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар ёрдамга шошилдилар. Саховатпеша инсонлар ҳам қўл қовуштириб туришмади. Салом Муродов, Тоштемир Муродов, Ботир Файзиев, Жаббор Султонов, Музаффар Фозилов, Тошпўлат Ашуров, Бўри Султонов, Чори Жўраев каби маҳалладошлар ҳиммати билан қурилиш учун зарур хом ашёлар тайёр бўлди. Маҳалла оқсоқоли Салим Муродов ва котиби Ғани Қорақуловлар бу ишда бош-қош бўлди. Бир кун ичида бинонинг томи бутланди.

— Мустақиллик йилларида аҳоли ҳаётида туб ўзгаришлар бўлди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Муродов. — Хусусан, маҳалладаги тўқсон фоиз хонадон газлаштирилди. Икки юздан ортиқ хўжалик тоза ичимлик суви билан таъминланди. Кейинги икки йилда 50 дан зиёд ёш оилалар замонавий турар-жой биноларига кўчиб ўтди. Айни кунда бу биноларни газлаштириш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Маҳаллада тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Қиш фаслида ҳам иссиқхоналар орқали аҳоли бодринг, помидор ва зиравор ўсимликлар билан таъминланмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларда ўттиз нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Учта кичик корхона, 20 дан ортиқ тегирмон, мойжувоз, савдо дўконлари, сартарошхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шахобчаларида 60 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ёқуб Тўрақулов, Ортиқ Равшанов, Пиримқул Орипов, Ҳайрулло Ўринов каби тадбиркорларнинг саховатпешалигидан маҳалла аҳли миннатдор. Ўтган йили кам таъминланган ҳамда ёрдамга муҳтож саккизта оилага ҳомийлар бир бошдан қорамол совға қилишди.

Ёқуб Тўрақулов бошчилигидаги қўлигул ҳунармандлар ишлаб чиқараётган мебель буюмлари ва уй-рўзғор анжомлари харидорларга манзур бўлмоқда. Жумладан, улар «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиқишди.

Шунингдек, маҳалла йўллари ҳам тобора равонлашиб боряпти. Жумладан, Очил Пардаев, Ботир Ҳамидов сингари ҳомийлар ташаббуси билан Тоба гузаридаги йўлга шағал тўкилди.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Тадбир — Тошкент шаҳри

# Маҳалладошлар учун «НАЗМ ВА НАВО» кечаси

***Ўтган ҳафтада юртимиз маданий ҳаётида алоҳида ўрин олган тадбирларнинг асосий қисмини бобокалонимиз, буюк мутафаккир ва шоир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллик санасига бағишланган маърифий-мусиқий тадбирлар ташкил этди. Ана шундай тадбирлардан бири 9 ҳамда 12 февраль кунлари Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида ҳам бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими ташаббуси билан шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ, Республика Маънавият тарғибот маркази иштирокида ташкил этилган ушбу маърифий-мусиқий тадбир «Алишер Навоий ижоди — маънавиятимиз пойдевори» деб номланди. Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, навоийшунос олимлар, ёшлар, пойтахт маҳаллалари аҳли ва фуқаролар йиғинлари ходимлари иштирок этдилар.

Дастурда Алишер Навоий ғазаллари билан айтилувчи мумтоз қўшиқларга кенг ўрин берилган бўлиб, моҳир созанда ва бастакор Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқлар тадбирга файз киритди. Ўз санъати билан эл меҳрини қозонган, ихлосмандлар қалбидан чуқур ўрин олган ўнлаб қўшиқчи-санъаткорлар, жумладан, Ўзбекистон халқ артистлари Зулайҳо Бойхонова, Матлуба Дадабоева, Замира Суюнова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Эркин Рўзиматов, Насиба Сатторова, Соибжон Ниёзов, шунингдек, ёш хонандалар Фурқат Ашуралиев, Элмурод Аҳмедов, Ҳилола Саминоваларнинг дилтортар хонишлари кўнгиллардан ғуборларни аритди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Ваҳобовлар ижросидаги Навоийнинг «Қоши ёсинму дейин» ҳамда «Қаро кўзим» ғазаллари билан айтиладиган ашулалар тадбир иштирокчилари олқишига сазовор бўлди.

— Алишер Навоий таваллуди муносабати билан деярли ҳар бир фуқаролар йиғини ҳудудида маҳалла аҳли, ёшлар иштирокида бадиий-мусиқий кечалар ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими раиси Жамолиддин Шоҳакимов . — Биз ана шундай тадбирларнинг ташкилотчиси бўлиб хизмат қилаётган маҳалла ходимлари ва фаоллари, жамоатчилик ва пойтахтимиз меҳмонлари учун катта бадиий-мусиқий тадбир, ўзига хос «Назм ва наво» кечасини ташкил этишга қарор қилдик. Икки кун давомида намойиш этилган ушбу дастурдан 4000 нафарга яқин томошабин баҳраманд бўлди.

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида Алишер Навоий асарлари, ижоди ва ҳаёти ҳақида яратилган бадиий-ҳужжатли асарлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**М.ҚОСИМОВА**

Наманган вилояти



**Наманган шаҳридаги “Муштарий” тикувчилик акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш 112,2 фоизни ташкил этди.**

**Айни вақтда корхона реконструкция қилиниб, бу ерда “Муштарий Интернационал ЛДП” Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси ташкил этилмоқда. Бунинг учун 733,5 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган.**

**— Қўшма корхона энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди, — дейди тадбиркор Обидмирзо Маҳсумов. — Яна икки юз нафар тажрибали чеварни бирлаштирадиган корхонада йилига 1 миллиард 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.**

**СУРАТДА:** *тикувчи Муаззам Мирсолиева.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ** (ЎзА) **олган сурат.**

## Олам турфа



### Ер остида 6 кеча-кундуз

***Хитойлик ака-ука Сяньчэнь ва Сяньюи Мэнлар ер остида, яъни ноқонуний равишда фаолият юритаётган конда деярли олти кеча-кундуз қолиб кетишди ва ниҳоят улар кондан чиқиб олишди.***

Маълум бўлишича, кутилмаганда конда авария содир бўлиб, чиқиш йўли бекилиб қолади. Икки кеча-кундуз давом этган қидирув ишлари ҳеч қандай натижа бермагач, қутқарувчилар авария ҳолатининг қайта такрорланишидан хавфсираб, қидирув ишларини тўхтатиб қўйишади.

Ака-укаларнинг бахтига кон ичида тоза ҳаво етарли даражада эди. Умидсизликка тушмаган random кончилар катта машаққат билан ташқарига олиб чиқиш учун туйнук очишга муваффақ бўлдилар. Мэнлар бир амаллаб ташқарига чиқишди-ю, хушдан кетишди.

Шу яқин-атрофдаги кончилар уларни дарҳол шифохонага олиб боришди. Шифокорларнинг берган маълумотларига кўра, ака-укалар асосан сувсизлик ва очликдан азият чекишган.

Энг қизиғи, ушбу воқеадан сўнг жавобгарликдан қўрққан ноқонуний кон эгаси ғойиб бўлган.

### Машиналар учун махсус “қулф”

***Бельгия ҳукумати спиртли ичимликлар ичиб, машина бошқарувчи ҳайдовчиларга қарши курашишнинг ўзига хос чорасини топишди.***

Ҳозирда ушбу мамлакатда ичувчиларнинг машинасига мажбурий равишда "алкоқулф" ўрнатишга доир қонун ишлаб чиқилмоқда. Машинага ўртнатиладиган махсус қурилма маст ҳайдовчининг машинани ўт олдиришига тўсқинлик қилади.

Қурилма машинанинг ўт олдириш тизимига уланиб, ҳайдовчи дастлаб махсус ускунага пуфлаши керак бўлади. Агар ҳайдовчининг танасидаги алкоголь миқдори белгиланган кўрсаткичдан ошиб кетса, машина жойидан қўзғалмайди.

Бундай қурилма асосан ичкиликбозликка берилиб, аввалари ҳам йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан огоҳлантирилган ҳайдовчиларнинг машиналарига ўрнатилади.

Йил сарҳисоби

# Фаолият самараси ҳар юмушда намоён

***(Давоми. Аввали 1-саҳифада)***

Дарҳақиқат, ўтган йилда жамғарманинг 14 та ҳудудий бўлими ва 199 та туман ҳамда шаҳар бўлинмаларининг маҳаллалар фаолиятини яхшилаш, инфратузилмасини мустаҳкамлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти ўз самарасини берди. Якка-ёлғиз қариялар, касалманд ва ногирон, кам таъминланган инсонларнинг ҳолидан мунтазам равишда хабар олиш, турли сана ва байрамларда совға-саломлар улашиб туриш натижасида минглаб инсонларнинг қалбида ҳаётга умид, шукрона ҳисси жонланди. Бинобарин, ушбу юмушларни бажариш мақсадида ўтган йил давомида 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Булардан ташқари, Ижтимоий ҳимоя йили мобайнида жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ҳисобидан қишлоқ жойлардаги мингдан ортиқ оилаларга бир бошдан қорамол ҳадя этилди. Шу жумладан, саховатпеша ҳамюртларимиз ва ҳомий ташкилотлар кўмагида 40 мингта соғин сигир кам таъминланган, кўп болали оилаларга берилди.

Маҳалла тизими ходимлари, айниқса, фуқаролар йиғини раислари, маҳалла маслаҳатчилари ва бошқа ходимлар ўз ҳудудида яшовчи аҳоли билан доимо якдилликда, баҳамжиҳат иш тутадилар. Қолаверса, улар маҳалладаги оилаларни, маҳалла аҳлининг турмуш тарзини яхши билишади. Шу билан бирга ҳомийларни эзгу ишларга жалб этишда ҳам маҳалла мутасаддилари ва фаолларининг иштироки беқиёс. Хусусан, юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ҳисобидан ҳамда ҳомийлар кўмагида «Саховат», «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйлари, ногирон, касалманд ва кам таъминланган оилаларга 1 миллиард 334 милллион сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилгани фикримизнинг исботидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳалладошларнинг бир-бирларига меҳр-оқибати намунаси бўлган юқоридаги каби хайрли тадбирлар бундан буён ҳам фуқаролар йиғинлари фаолиятидаги энг асосий йўналишлардан бири бўлиб қолаверади.

Маҳаллалар ва фуқаролар йиғинларининг фаолияти ҳақида гап кетар экан, оммавий спорт, хусусан, болалар спортига кенг эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида «Соғлом оила», «Биз соғлом спортчилар оиласимиз» шиори остида спортнинг 6 йўналиши бўйича уюштирилган мусобақа, марафон ва беллашувлар маҳалла аҳлининг айниқса, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга хизмат қилди. Биргина, болалар ва ўсмирлар ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика турнирининг 2007 йилдаги беллашувлари 500 минг нафардан зиёд ёш чармтўп ишқибозларини футбол майдонларида жамлади. Шунингдек, ўтган йил давомида маҳаллаларда 276 та спорт майдончаси қуриб фойдаланишга топширилди. Қолаверса, 151 та спорт майдончаси замонавий услубда жиҳозланди.

Кейинги йилларда қарияларни қадрлаш, улар учун юртимизнинг турли вилоятлари ҳудудига, пойтахтимиздаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва муқаддас қадамжоларга ҳамда истиқлол йилларида қад ростлаган бунёдкорлик мажмуаларига бепул зиёрат сафарини уюштириш анъанага айланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилда 36 минг нафар пенсионер «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ташкил этилган шундай саёҳатларда бўлишди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ҳар бир ислоҳот самараси республикамизда мавжуд ҳар бир фуқаролар йиғини фаолиятида, фуқароларимизнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида намоён бўлаётгани, бу ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда жамғарма тизимининг ҳиссаси беқиёс экани қувонарлидир. Жамғарманинг кенгайтирилган раёсат йиғилишида шу каби муваффақиятлар билан бир қаторда мавжуд камчиликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Бинобарин, тадбирда бўлим ва бўлинмалар фаолиятига танқидий ва таҳлилий жиҳатдан баҳо берилиб, қўлга киритилган ютуқларни 2008 йил — Ёшлар йилида янада мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, тадбирда маҳаллалар аҳли, хусусан, ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, ёш оилаларда эр-хотин ажрими ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тадбирда алоҳида эътибор қаратилган масалалардан яна бири мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинларида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини муносиб кадрлар билан таъминлаш масаласидир. Айни кунда тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг соҳага доир билим ва кўникмаларини бойитиш, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, турли мавзу ва йўналишларда ўқув-семинарлар ташкил этиш борасида аниқ режалар асосида иш кўриш муҳим экани таъкидланди.

Йиғилиш сўнгида кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида Ёшлар йилида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олиниб, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг қарори қабул қилинди.

**МУХБИРИМИЗ**

Ёшлар камолоти йўлида — Жиззах вилояти

# УМИДЛИ СПОРТЧИЛАР — ФАХРИМИЗ

***Юртимиз ёшлари ўртасида спортнинг барча турларини оммалаштириш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратишга республикамиз миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётганлиги самараси ўлароқ, ёш спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. 2007 йил давомида жиззахлик ёш спортчилар эришган ғалаба ва ютуқлар қалбимизни қувончга тўлдирди. Ўтган йили қитъамизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган жиззахлик ёш спортчиларнинг 354 нафари медаллар билан тақдирланганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди.***

Шахматчи қизларимизнинг етакчиси Юлдуз Ҳамроқулова Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашиб бронза медалини, Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида олтин медални қўлга киритди. Юлдузхон бу муваффақияти билан жиззахликларнинг фахрига айланди.

Ўзбек кураши довруғини дунёга таратаётган курашчиларимиз ҳам кўп. Масалан, Меҳрож Акабоев ва Телман Очилов Англияда ўтказилган Ислом Каримов халқаро турнирида, Олимжон Равшанов эса Мўғилистонда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Чарм қўлқоп соҳибларидан бири Абдуғаффор Умаров ҳарбий спортчилар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган бўлса, яна бир боксчимиз — Хуршид Тожибоев ёшлар ўртасида Осиё чемпиони деган унвонга эришди.

Шунингдек, Турон яккакураши бўйича Нукусда ўтказилган Осиё чемпионатида жиззахлик яна бир умидли спортчимиз Сайёра Ҳожиматовага тенглашадиган рақиб топилмади.

Яқинда Жиззах шаҳридаги «Нур» тантаналар мажмуасида миллий спортимиз довруғи ва равнақига муносиб ҳисса қўшган спортчи ёшлар ҳамда уларнинг мураббийлари учун тантанали тадбир ташкил этилиб, уларнинг ҳар бири муносиб рағбатлантирилди. Мураббийлар ва ёш спортчилар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Айни чоғда вилоятдаги барча маҳаллалар ва ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам спортга бўлган эътибор янада кучайтирилиб, спорт билан шуғулланувчи ёшлар сафи кундан кун кенгаймоқда.

**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Талаба мулоҳазаси

# «МЕНГА РЕФЕРАТ БЕРИНГ!..»

***Ҳозирги кунда компьютер ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб борди, десак янглишмаймиз. Компьютер замондошларимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда.***

Доимо ёшлар билан гавжум интернет кафеларда кино ёки клиплар томоша қилиш, интернет орқали жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш, дунёнинг исталган ҳудудида яшовчи инсонлар билан мулоқот ўрнатиш ва ҳоказо яна кўплаб хизмат турларидан фойдаланиш мумкин. Кейинги пайтларда интернет кафеларда яна бир хизмат (буни «хизмат» деб бўлармикин?) тури кенг йўлга қўйилди. Энди бундай масканларда ўқувчи ва талабаларга барча фанлардан тайёр реферат, мустақил ишдан тортиб, ҳаттоки курс ва диплом ишларигача таклиф қилинмоқда. Ўқув юртларида қишки ва ёзги синовлар мавсумида бундай хизматдан фойдаланувчилар сони ҳар доимгидан анча ортади. «Админстратор»нинг қўли-қўлига тегмайди, навбат кутиб турганларнинг эса кети узилмайди. Улар орасида мактаб ўқувчисидан тортиб олийгоҳ талабасигача бор. Ҳамманинг талаби ҳар хил: кимдир табиий, кимдир ижтимоий, яна кимдир аниқ фанлар бўйича реферат сўрайди. Мижозларни куттириб қўймаслик ёки шошиб қолмаслик, қисқаси бу борадаги хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида айрим интернет кафеларда махсус «буюртма қоғоз»ларидан фойдаланилмоқда. Агар вақтингиз тиғиз бўлса, унга реферат мавзуси, тайёр бўлиш вақтини ёзиб қолдирсангиз кифоя. Белгиланган пайтда буюртмангизни олиб кетишингиз мумкин. Шу йўл билан чўнтак қаппайтираётган шоввозлар ўз ишларининг ҳадисини олишган — рефератингиз талабга жавоб беради: режа, мавзу баёни, хулоса, адабиётлар рўйхати, хуллас, ҳаммаси ўз ўрнида. Бироқ бундан ўқувчи ёки талаба нима олди? Менимча, масаланинг энг муҳим ва ўйлантирадиган томони ҳам ана шунда.

Одатда ҳар қандай топшириқ ўқувчи ёки талабанинг фанни қай даражада ўзлаштирганини синаш ёхуд бирон бир мавзу юзасидан билимини кенгайтириш мақсадида берилади. Аммо тайёр рефератни сотиб олганларнинг кўпчилиги уни ҳатто варақлаб ҳам кўрмайди. Хўш, бундан кимга наф, кимга зиён?

Ҳозир кўпчилик кутубхонага қатнаб, китоб варақлаб, бош оғритишдан кўра «реферат ёзишни» афзал кўрмоқда. Шу боис айрим талабалар ўқитувчиларни «менга реферат беринг!..» деб ҳол-жонига қўймайди.

Илгари реферат ёки мустақил ишни қўлёзма шаклида тайёрлаган ўқувчи гарчи маълумотларни китобдан кўчирса ҳам, бирор нарса ўрганар, жиллақурса мавзуни топиш учун изланар, нимани қоралаётганини билар эди. Энди-чи?! Интернетда ҳаммаси тап-тайёр. Қўлингдан келса, кўчириб ол, йўқса мавзуни «админстратор»га айтсанг бас, бир зумда муҳайё қилади. «Мендан кетгунча эгасига етгунча» қабилида бажарилган ишни эса талаба ё ўқийди ёки шу «ҳолича» ўқитувчига топширади. Бу ўзини ўзи алдаш дегани эмасми? Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бизнингча, рефератни қабул қилиб олаётган ўқитувчи ўқувчи ёки талабадан рефератнинг қўлёзма шаклида топширилишини ёхуд матнни оғзаки баён қилиб беришини талаб қилса, мавзу юзасидан уни саволга тутса, балки бундай «савдо»ларга чек қўйилган бўлармиди?

**Ботир САНГИРОВ,**
**талаба.**

